

---

## Ку-қишга тайёргарлик бўйича Штаб йиғилиши ўтказилди

Марғилон шаҳрида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва уни беталофат ўтказиш, шунингдек "Яшил макон" лойиҳаси бўйича белгиланган режа асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан бугун бу борадаги ишларни тизимли равишда жойига бориб ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида ШТАБ йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш давомида секторлар кесимида тузилган ишчи гуруҳ аъзоларига шаҳардаги ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли уйлар, маҳаллалардаги мавжуд аҳоли яшаш хонадонлари ҳамда корхона ва ташкилотларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш, "Яшил макон" лойиҳаси бўйича ҳудудларга мевали ва манзарали кўчатларни экиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

2023-10-30 18:09:23